



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:5

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Дилдора Қурбонова

Бердақ номидаги ҚҚДУ Жисмоний тарбия мутахассислиги магистранти

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида, хусусан, олий таълим тизимида педагогик кадрларни тайёрлашнинг муҳим омили сифатида таълимни бевосита амалиёт билан боғлиқликда олиб бориш асосида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифа сифатида эътироф этилади.

Айниқса, меҳнат бозорида етук кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири сифатида мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг амалиётини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда жамиятнинг интеграциялашаётган даврда назария билан амалиёт алоқадорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тизимни жорий қилишга қаратилган ташкилий-педагогик ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда ўкув-тарбиявий ишларнинг педагогика назарияси, амалиёт билан алоқадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар асносида педагог кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган бўлсада, бу тизимда кадрларнинг назарий тайёргарлигига устувор тарзда аҳамият қаратилиб, ушбу йўналишда айрим камчиликлар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сон қарорида “педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтиришда таълим жараёни билан амалиётни боғлашда унинг узлуксизлигини таъминлаш” алоҳида ўрин тутади. Жисмоний маданият таълим йўналишида бўлажак мутахассислар педагогик амалиётининг узлуксизлигини таъминлаш кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киради.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда олий таълим тизимида педагогик амалиёт ўқишининг охирги йилига, яъни еттинчи ва саккизинчи семестрига қўйилганлиги сабабли талабалар педагогик амалиётни ўташда касбий йўналиши бўйича назарий билимларни амалиётда етарлича якунлай олмайдилар.

Натижада эса, методик хужжатларнинг тузилиши, дарсларнинг мустақил олиб борилиши, дарсдан ташқари ўтказиладиган спорт мусобақа тадбирлари ва байрамларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича таълим олиш кўнкмалари шаклланмай қолиши, шунингдек, юқори малакали жисмоний тарбия



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:5

мутахассисларини тайёрлашда қатор тўсқинликларнинг юзага келиши кун тартибидаги долзарб масала ҳисобланиб турибди.

Биз шуни алоҳида таъкидлаймизки, Мамлакатимизда қабул қилинган узлуксиз таълим концепциясида кўплаб турли таълим тизимларини тартибга солиш ёрдамида амалга ошириладиган шахснинг доимий равишда ривожланишга интилиши кераклиги, англаб етилган эҳтиёжи узлуксиз таълимнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу концепцияни амалга ошириш йўллари бутун таълим тизимида, шу жумладан, узлуксиз жисмоний тарбия тизимида ҳам стратегик қайта ташкил қилишлар билан боғлиқлигини англатади. Таклиф этилган концепцияда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепциясининг мақсади жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини ошириш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишини яхшилаш ҳисобланади.

Таълимнинг барча бўғинларида жисмоний тарбия мутахассисини узлуксиз қасбий тайёрлашнинг ажралмас бир қисми сифатида ҳар бир босқичда назарий билимларни ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш даражаси қўрсаткичи ҳисобланиб, унда педагогик амалиёт муҳим ўрин эгаллайди деб ҳисоблаймиз.

Бир оғиз гап билан айтганда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларни тайёрла, шунингдек, узлуксиз таълим тизими сифатида жисмоний тарбия олий таълим муассасасида узлуксиз педагогик амалиёт – бу талабанинг таълим жараёнида олган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадига эга, ўрганилаётган мутахассислиги бўйича амалий ишлар кўникма ва малакаларини тўхтовсиз ўзлаштириш, ҳар бирида янги, янада юқори қасбий маҳорат даражасига ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратиладиган қатор изчиллик билан боғлиқ бўлган босқичлардан иборат бўлган ўқув-тарбия жараёнининг бир қисми саналанади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атоев А.К., Носиров М. Жисмоний тарбия ва шахсни ахлоқий тарбиялаш. –Т.: 1993.
2. Зарипов. К. Янги педагогик технологияларни татбиқ этиш босқичлари // Хадқ таъими - Тошкент 2017.
3. Махмудов Б.А. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг қасбий фаолиятга тайёрлашнинг методик хусусиятлар. Мугаллим ҳем узлуксиз билимленидириў журнали. 5-сон. Қарақалпақстан - 2019 жыл.
4. Сайидахмедов Н. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари – Т: Янги аср авлоди. 2021.